## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №17

*Асака туман* «17» 08 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси ***«Буюртмачи»*** деб аталувчи Асака туман 1-сон касб-хунар мактаби ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари А.Эргашев бир томондан ва ***«Пудратчи»*** деб аталувчи ООО **«MAX INVEST BULDING»** ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари И.Холматов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конунларга мувофик тузилди.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. ***«Пудратчи»*** мазкур шартнома шартларига мувофик ***«Буюртмачи»нинг Козонхона ва иситиш тизимларини*** таъмирлаш ишларини бажариб беради.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим булган ишлар ***«Буюртмачи»*** томонидан тасдикланган сметага ва танлов комиссиясининг карори билан тасдикданган ишлар киймати (барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда) га асосан жорий нархларда 579 500 000 (Беш юз етмиш туккиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади. Бундан 579 500 000 сўм бюджет маблағлари хисобидан, ____________ (______________________________________________) сўм бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан тўланилишига келишилди.

2.2. Бажариладиган ишлар киймати узил кесил хисобланиб, факатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор холатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар уртасида имзоланиб, тегишли Газначилик бўлимида руйхатга олингандан сўнг 10 банк иш кунида ***«Буюртмачи»*** бажариладиган ишлар умумий кийматининг 30 фоизиини яъни 173 850 000 (Бир юз етмиш уч миллион саккиз юз эллик минг) сўмни олдиндан аванс тарикасида ***«Пудратчи»шнг*** хисоб ракамига ўтказиб беради.

2.4. Шартоманинг қолган 70% тўловларини яъни 405650000 (Турт юз беш миллион олти юз эллик минг) сўмини ***«Пудратчи»*** томонидан топширилган- бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 15 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. ***«Буюртмачи»*** охирги туловни ***«Пудратчи»*** томонидан иш тулик бажариб топширилиб, кабул килиш - топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тугрисидаги маълумотномалар асосида 15 банк иш кунидан кечикмаган муддатда утказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун туловлар ***«Буюртмачи»*** томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

2.7. Шартнома буйича бажариладиган ишлар муддати аванс тулов пудратчи хисоб ракамига келиб тушган кундан бошлаб кунни ташкил килади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУ К ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. ***«Пудратчи»штт*** мажбуриятлари Шартнома имзолангандан сунг иш бажариладиган объектни ***«Буюртмачи»иш*** далолатномага асосан кабул килиб олади.

Барча ишларни тасдикланган смета хужжатларига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари билан бажариш хамда ***«Буюртмачи»*** га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.

3.2. ***«Пудратчи»нинг*** хукуклари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс хак туланишини ва ишни бажариб топширгандан сунг тула хажмда хисоб китоб килинишинн талаб килиш;

Бажариб берилган ишни кабул килиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни копланишини талаб килиш:

3.3. ***«Буюртмачи»нинг*** мажбуриятлари
Тасдикданган смета буйича бажаридган ишларни кабул килиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вактида хақ тўлаш;

3.4. ***«Буюртмачи»нинг*** хукукдари
«Пудратчи»дан амалдаги давдат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошка шахс томонидан тугриланиши харажатларини копланишини талаб килиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини кабул килиш коммиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда кабул килиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини назорат килиш;

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тулайди;

4.2. «Пудратчи» объектни уз вактида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га хар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган кисмининг 0,5 % микдорида пеня тулайди. Туланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар бахосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аникданган нуксон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан уз вактида бартараф килинмаса "Буюртмачи" туловлар тухтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и микдорида «Пудратчи» жарима тулайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан уз вактида хак туланмаса, хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 %и микдорида пеня тулайди. Туланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган туловларнинг 50 %и микдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Туланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик окибатида етказилган зарарни коплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

## V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартгнома буйича мажбуриятларни тулик ёки кисман бажармаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса

ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларни жавобгарликдан озод этилиши Конун хужжатларида белгиланган тартибда куриб чикилади.

## VI. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ, БЕКОР КИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларшшг узаро келишувига мувофик ўзгартирилиши ва бекор килиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома буйича юзага келиши мумкун булган низо ва келишмовчиликлар узаро мухокама- йуллари билан хал этилади. Агарда узаро мухокама йули билан хал этиш имкони булмаса Конун хужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий судлар оркали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КДЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома имзоланиб, худудий Ғазначилик булимида руйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал килади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси хам хукукий жихатдан тенг кучли хисобланади.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| «БУЮРТМАЧИ» | « ПУДРАТЧИ» |
|---|---|
| **Андижон вилояти Асака туман 1-сон касб-хунар мактаби** | "ООО «MAX INVEST BULDING»" |
| Манзили: Андижон вилояти Асака туман Маргилоний куча 93 | Манзили: Асака туман Ю.Асака куча 147 уй |
| Ш/хв: **10001086003224709290107900 1** | Х/Р:20208000500907793001 |
| СТИР: **200246154** ХХТУТ : 92120 | Банк номи: Хамкорбанк Шахрихон филиали |
| Ғазначилик бўлинмаси номи: Молия Вазирлиги ғазначилиги Асака туман буйича газначилик булинмаси | СТИР: **305688359** МФО 00039 |
| х/р 23402000300100001010 | ОКОНХ: ___________ |
| Тошкент шахар Марказий банк ХККМ, МФО 00014, СТИР 201122919 | |
| Рахбари: ______________ А.Эргашев (имзо) | Рахбари: ______________ И.Холматов (имзо) |
| М.У. | М.У. |

Ҳуқуқшунос: [signature] И. Курбонбердиев

# ХУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ

Мазкур Андижон вилоят Асака тумани «Max Invest building» МЧЖ билан Асака туман 1-сон касб-хунар мактаби ўртасида тузилган 2022 йил _____ август кунги №___ - сонли, умумий суммаси 578.500.000 сўмлик Қозонхона ва иссиқли[к] таъмирлаш ишлари учун тузилган шартнома билан танишиб чикдим. Мазкур шартнома, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига мос равишда тузилганлиги экспертиза қилинди, тарафларни шартномани тузиш хуқуқига эга эканликлари ва шартнома лойихаси қонунчилик хужжатларига мос келишлиги аниқланди.

O'ZBEKISTON RESP. ANDIJON VILOYATI ASAKA TUMANI ADVOKATLIK BYUROSI
ADVOKAT XUDAYBERDIYEV ILXOMJON

**Хуқуқшунос:** И.Худойбердиев

«17» август 2022 йил